

**Таълим Кластери Муҳитида Бўлажак Жисмоний Тарбия
Ўқитувчиларининг Креатив Компетентлигини Ривожлантириш
Жараёнларини Такомиллаштиришга Технологик Ёндашувлар**

Тадқиқотчи Арзиев Ш

Технология -ҳозирги замон илмий-амалий тафаккурининг услубидир. У амалий тадқиқотларнинг жумладан, педагогик тадқиқотларни одам фаолиятини тубдан такомиллаштиришга, унинг натижавийлигини, жадаллигини, асбобий, техник қуролланганлигини оширишга йўналтирилган.

Бўлажак мутахассисларни ўқитишга технологик ёндашувни анъанавий ёндашувга нисбатан таққосланганда фарқ нимада? Бунинг учун бу категорияларнинг қиёсий характеристикасини ўтказамиз:

Шахсга таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантириши бирлаштирадиган «таълими», «педагогик», «ривожлантирувчи» технологияларда хам ахвол шундайлигича қолади. Ўқитишининг диагностик мақсадини қўйицдан талаба учун зарурый ўқув материалининг талаб қилинадиган ҳажмини танлашдан бошлаб, талабанинг тайёрлаш сифатини баҳолаш билан тугалланадиган «ўқитиш технологияси» – бу бошқа гап.

Бу талабани тайёрлаш структурасида унинг шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнлари истисно этилишини мутлақо англатмайдиган яхлит педагогик жараён концепциясига зид хам эмас. Шу сабабли мазкур тадқиқотда талabalарни олий таълим муассасаларида ўқитишга технологик ёндашув моҳиятига, унинг мазмуний характеристикасига ургу берилади.

Ўқув жараённида иштирок этадиган ва таълим тизимининг ривожланишига ёрдам берадиган ҳамма нарсани –турли методларни, материалларни, жиҳозларни ва таъминот тизимини киритади.

Айрим олимлар ўқитиш технологиясini ўқув дастурларида кўзда тутилган ўқитиш мазмунини амалга ошириш усули деб қарайди ва ўқитиш шакллари, методлари ва воситаларини ўз ичига олади ва улар туфайли у ёки бу қўйилган мақсадларга энг самарали эришиш таъминланади, деб ҳисоблайди.

Олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини ташкил этилишининг тадқиқотчилари Э.Фозиев, Р.Мавлонова ушбу таърифни қўллашни таклиф этганлар: «Ўқитиш технологияси – бу ўқитиш жараённида тарбияни шакллантириш учун зарурый дидактик шакллар, методлар, услублар ва шароитларнинг маҳсус тартибланишини ўз ичига оладиган психологик-педагогик жараёнларнинг тизимли комплексидир».¹

Ҳозирги замон технологиясида ўқув материали мазмунини ўзлаштириш даражаларини миқдор ва сифат томонида аниқлаш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билиш

¹ Мавлонова Р., Тўраева О. ва бошқ. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 384 б.

2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

фаолиятини бошқариш тизимини асослашга умумий ёндашувлар ўз такомилига эга эмас. Ўқув материалининг ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш ва бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билиш фаолиятларини бошқариш тизими даражаларини аниқлашда В.П.Беспалько² таклиф этган ёндашув таълим амалиётида қўлланишга лойикдир.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари дастур материалининг аниқ мавзуси, бўлнимини ўрганишлари натижасида нималарни олишлари кераклигини, қандай малака ва уқувларни эгаллашлари, олинган билимларни касбий вазиятда қаерда ва қандай ҳолатларда қўллашни ўрганишлари лозим. Жумладан, олий таълим муассасаси доирасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида машғулот, мавзу, бўлим мақсадини қўйиш, мақсадни табақалаштириш, аниқлаштириш ва интеграциялаш, бош, асосий ва ёрдамчи мақсадларни ажратиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолияти мақсадини унга мос натижага амалда ўтказиш уқувларини шакллантириш кўзда тутилган. Бу уқувларнинг эгалланиши семинарларни амалий ва лаборатория ишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида, шунингдек, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан ўқув фани лойиҳасини ва ўз амаллари рефлексиясини яратиш жараёнида рўй берди.

Бунда олий таълим муассасаси ўқитувчиси бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан ўқитиши мақсадининг қабул қилиниши, ўзлаштирилиши ва унга амал қилинишига ёрдам бериши керак. Бундай натижага эришилиши касбий компетенликни тарбиялашнинг қуидаги психологик-педагогик механизмлари таъсири остида таъминланади: контекстли, тизимли-фаолиятли ёндашувларнинг барқарорлашуви, тўлдирилиши, трансформацияланиши, амалга оширилиши.

Н.Н.Азизходжаеванинг фикрига кўра, “Ўқитувчининг инновацион фаолиятни самарали амалга ошириши бир қатор педагогик, ташкилий ва техник шарт-шароитларга боғлиқдир. ушбу шарт-шароитларга ўқитувчининг конструктив мулоқот қилишга тайёрлиги, баҳс-муноазарада ўз далилларини қарши қўя олиши, ўзганинг нуктаи-назарида рационал жиҳатлар борлигини тан олиш кабилар киради. Натижада, ўқитувчи мотивлари кенг спектрга эга бўлади, унинг билиш ва илмий фаолият жараёни рағбатлантирилади”³. Бунинг натижасида, педагогик таълим методика ва технологияларининг инновацион тарзда яхшиланиши – жамият маданий онгининг шаклланиши ҳамда унинг ижтимоий-иктисодий фаровонлиги яхшиланади. Бунда таълим технологиялари таълим фаолияти асосини шакллантиради, педагогнинг онгли ёндашувини шакллантиради, билимларнинг меҳнат соҳасига қўчирилишини таъминлайди, унинг мақсадга йўналганлигига ва ҳаётдаги стратегиясига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим технологиялари ижтимоий-маданий маконни яратади ва унда шахс, ирода, энтузизм, мутахассисликка қизиқиш шаклланади. Таълим технологиялари мутахассисга қўйиладиган талабларнинг бажарилишига, педагог ва таълим олувчининг оптимал жиҳатдан мослашган ўзаро таъсирининг педагогик-психологик шарт-шароитларини амалга оширишга қаратилган бўлади.

² Беспалько, В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения / В.П. Беспалько. - М. : [б.и.], 1995. – 144 с.

³ Караев В.Ш. Развитие профессиональной компетенции тренера в образовательном пространстве повышение квалификации. / The world of science and innovation Abstracts of I International Scientific and Practical Conference London, United Kingdom 19-21 August 2020. P. 236-241